

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ

**113** Вазирлар Маҳкамасининг «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» 2014 йил 3 декабрдаги ЎРҚ–378-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» 2014 йил 3 декабрдаги ЎРҚ–378-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 95-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 6 март,  
50-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 6 мартдаги 50-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Интерактив давлат хизматлари  
кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида  
Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини  
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»  
2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг биринчи хатбошидаги «Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш» сўзлари «2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга» сўзлари «2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 1-иловада:

а) 5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 15-банддаги «Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш» сўзлари «2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 17-банддаги «ҳамда» сўзидан кейин «мурожаатларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирадиган» сўзлари қўшилсин;

г) қуйидаги мазмундаги 17<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«17<sup>1</sup>. Фойдаланувчиларнинг шахсий кабинети орқали Олувчига юбориладиган мурожаатлари электрон рақамли имзо ва уларни идентифика-

циялаш имконини берадиган бошқа реквизитлар билан тасдиқланиши керак»;

д) 18-бандга қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Фойдаланувчига унинг мурожаатига электрон тарздаги жавоб раҳбарнинг ёки Олувчининг бошқа мансабдор ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши керак»;

е) 23-банддаги «давлат органи раҳбарининг ички буйруғига асосан тайинланган мансабдор шахс» сўзлари «Олувчи ёки мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юкланган мансабдор шахс» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 24-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«24. Қонунда назарда тутилган ҳолларда Олувчи мурожаатни кўрмай қолдиради»;

з) 26-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«таклифлар — Олувчига келиб тушган кундан бошлаб бир ойгача муддатда, қўшимча ўрганишлар талаб қилинадиган таклифлардан ташқари, бу тўғрида таклиф киритган Фойдаланувчига ўн кун муддатда хабар берилади;

аризалар ёки шикоятлар — Олувчига келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида масалани моҳияти бўйича ҳал этилиши, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш ўтказиш, қўшимча ҳужжатлар сўраб олиш талаб қилинган тақдирда эса — бир ойгача муддатда ҳал этилиши шарт»;

и) 28-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.